O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARQAND VILOYATI
SAMARQAND TUMANI
**HOKIMI**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
САМАРҚАНД ТУМАНИ
**ҲОКИМИ**

28

# QAROR

2007 йил "11" сентябр № 883-К

«Фукаро Ганиев Абдурахмонга 0,73 га ер майдонини фойдаланиш хукукини утказиш хамда ушбу худудда умумий овкатланиш мажмуаси ва савдо дукони куришга рухсат бериш тугрисида.»

Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36 ва 22 моддаларига асосан, «Узбекистон банклари ассоциациясининг Универсал биржа маркази» Самарканд филиалининг 2006 йил 29 мартдаги 33/7 сонли баённомаси, шунингдек, ассоциациянинг 2006 йил 7 февралдаги № 14/51/4326 - ракамли олди сотди шартномаси, туман ер танлаш хайъатининг далолатномаси, «Даштакиболо» кишлок фукаролар йигини «Шалгамон» махалла фукаролар йигинининг хамда фукаро Ганиев Абдурахмоннинг туман хокимлигига ёзган аризасини инобатга олиб

К А Р О Р К И Л А М А Н:

1.Фукаро Ганиев Абдурахмонга «Самарканд Консерва» Очик акциядорлик жамиятидан сотиб олинган «Окмачит» махалласидаги кабул пункти бинолари жойлашган 0,73 га . ер майдонини фойдаланиш хукуки утказилсин хамда мазкур ер майдони худудидан умумий овкатланиш мажмуаси ва савдо дукони куриш учун 0,40 га ер майдони ажратиш хакидаги туман ер танлаш хайатининг далолатномаси тасдиклансин.

2.Узбекистон Республикасининг «Ерга солик солиш тугрисида»ги Конунга асосан ер солигини ундириш туман Давлат солик инспекцияси бошлиги З. Аминов ва туман ер ресурслари хизмати ва Давлат кадастри булими бошлиги вазифасини бажарувчи Т.Шароповларга топширилсин.

3.Фукаро Ганиев Абдурахмонга умумий овкатланиш мажмуаси ва савдо дуконини куришдан олдин катъий равишда Узбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал килган холда архитектура талаблари топшириги (АРТ), лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб Давлат курилиш экспертизаси ва давлат архитектура курилиш назорат инспекцияси руйхатидан утказиш юклатилсин.

4.Ушбу карорнинг бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари вазифасини бажарувчи М.Турсунов зиммасига юклатилсин.

Туман хокими: Б.Садуллаев